

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФАОЛИЯТ  
ЮРИТАЁТГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ  
САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА  
ХОРИЖИЙ ЯНГИ ВА ТЕЖАМКОР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ**




- Аҳоли сонининг дунёда йилдан-йилга ўсиб бориши, экологик ва турли антропоген омиллар таъсирида деҳқончилик қилишга яроқли майдонларнинг қисқариб бораётгани инсоният зиммасига замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш вазифасини қўймоқда. Жаҳоннинг етакчи давлатлари бу соҳада катта ютуқларга эришишга интилаётган бир пайтда, баъзи ривожланаётган давлатларда ерни қайта ишлаш технологияси эскилигича қолаётгани ҳам бор. Ҳозирги пайтда жаҳонда Германия, Англия, Голландия, АҚШ, Швейцария, Исроил каби давлатлар бошқа соҳалар билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ютуқлари рейтингида ҳам пешқадам саналади. Аммо Африка давлатлари ҳануз энг сўнгги ўринларни эгаллаб турибди.

- Дунё қишлоқ хўжалигида баъзи давлатларнинг тажрибалари техника тараққиётига жиддий боғланмаган ҳолда ҳам юқори натижаларни қайд этаётганини кузатиш мумкин. Масалан, Голландия, Дания, Англия, Германия, Швеция ва Швейцарияда қорамолчилик яхши ривожланган. Мазкур сердаромад соҳа билан шуғулланаётган фермерларга уларга ем-хашак етиштириш учун ер ажратилади, аммо тўйимли ва юқори сифатли озуқа тайёрлашга балиқчиликнинг чиқитларидан ҳам кенг фойдаланила бошлади. Германия деҳқончилиги ва боғдорчилигида биодинамик қишлоқ хўжалиги танланган бўлиб, биохилма-хилликни тиклаш ва ундаги уйғунликни сақлаш, тупроқнинг биологик фаоллигини ошириш мақсадида пестицид, гербицид ҳамда бошқа кимёвий ўғитлардан воз кечиб, фақатгина унинг органик турини ишлатиш чоралари кўрилмоқда.

- Африканинг кўплаб давлатларида тупроқ эрозияси оқибатида экинлар унмай, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилмаётган бир пайтда Жанубий Африка республикасида фермерлар компьютер технологияларини қўллаган ҳолда энг замонавий агротехник тадбирларни амалга оширмоқда. Натижада мамлакат ўз аҳолисини тўлиқ зарур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб келяпти.

- Бугунги кунда Яқин Шарқ мамлакатлари сирасига кирувчи Исроил давлати аграр тизимдаги тараққиёти билан дунёда етакчилик қилувчи давлатлар қаторидан жой олди. Бундан атиги 60 йил аввал Исроилда озиқ-овқат маҳсулотлари махсус карточкалар орқали тарқатиларди. Ушанда мамлакат инсонпарварлик ёрдамларигагина кўз тикиб яшарди. Бугунги кунда ҳудуди 22 минг квадрат километрни ташкил қиладиган, ярми тоғлик, ўрмон, чўл ва саҳролардан иборат бу давлат тўлалигича ўзининг аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлайди, бир ярим миллиард долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилади.


- Хуллас, бугунги кунда дунё аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, демакки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжлари йилдан-йилга ошиб бораётгани бир бўлса, ушбу муаммоларни ҳал қилиш нафақат инсониятдан кўп меҳнат қилишни, балки ақл билан тер тўкиб, замонавий технология-лардан унумли фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақоза этмоқда.



Автоматика ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўпайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, ҳосилдорлик ва унумдорликни кўтариш, меҳнатни енгиллаштириш, “инсон омили” сабабли вужудга келадиган хатоликларга барҳам бериш имконини яратади.

Автоматика тури хил мураккаблик даражасида: оддий ва арзон контроллерлардан тортиб сон-саноқсиз мезонларни ҳисобга олиш ва бошқарилаётган объектнинг оптимал режимини аниқлашга имкон берадиган мураккаб компьютер тизимигача ишлаб чиқарилмоқда.

- Турли жараёнларни, масалан, қатъий тузилган вақт дастури асосида суғоришни бошқариш имконини берадиган асбоблар Контроллерлар деб аталади.
- Бундай асбоблар қўшимча мослама ва қурилмаларни, масалан, атроф муҳит шароитини ҳисобга олиб ва шунга яраша дастлаб киритилган суғориш дастурини мувофиқлаштириб ёмғир пайтида суғоришни тўхтатиб турадиган ёмғир мосламасини улаш имкониятига ҳам эга бўлади.
- Контроллерлар бир каналли ва кўп каналли турда чиқарилади. Кўп каналли контроллер суғоришнинг бир неча йўналишини, ҳар бир йўналиш учун алоҳида тузилган топшириқ асосида бир вақтнинг ўзида бошқара олади.



□ **Чап тарафдаги фотосуратда** дала ҳовли ер майдонидаги суғориш учун мўлжалланган контроллер кўрсатилган. У ичига ўрнатилган соленоидли вентилга ва 9 волтли батарейка манбаига эга.

- **Ўнгдаги фотосуратда** саккиз каналли контроллер тасвирланган, уни дала ҳовли ер майдонида ҳам, кўкаламзорлаштириш ишда ҳам ва иссиқхоналарни ёки фермерлик ер майдонларини автоматлаштириш учун ҳам ишлатиш мумкин.



# Метеорологик назорат контроллери



- Метеорологик назорат тизимларидан атроф муҳитнинг ҳолатини назорат қилиб туриш ва автоматик бошқарув тизими ишини шунга яраша мувофиқлаштириш мақсадида тобора кўпроқ фойданилмоқда. Хусусий миниметеостанция об-ҳавонинг жорий ҳолатини кузатиб туриш имконинигина бериб қолмай, балки ускуналар ишини, масалан, суғоришни, шамоллатишни, ҳароратни мувофиқлаштириш имкониятини яратади.